SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-YANVAR ■ SHANBA ■ 5 (27.025) ■ UZB OVOZI@SARKOR.UZ ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Боксчиларимиз Австралияда

18 январь куни Австралиянинг Мельбурн ва Германиянинг Гамбург шаҳарларида профессионал бокс бўйича бир қатор чемпионлик ва рейтинг жанглари ўтказилади. Шу куни мамлакатимизнинг тўрт нафар боксчиси ҳам рингга чиқади.

Биринчи рақамли вакилимиз Артур Григорян Гамбург шаҳрида WBO версияси бўйича чемпионлик камарини яна бир бор ҳимоя қилса, Артурдан сўнг профирингда энг кўп жанг ўтказган Қувончбек Тайғанбоев WBO йўналиши бўйича Мельбурнда рейтинг беллашувини ўтказади. Боксчининг айтишича, у шу йил август ойида чемпионлик камари учун рингга чиқади. Бунинг учун Мельбурн шаҳрида ўтказиладиган мусобақада ғалаба қозониши шарт. Эслатиб ўтамиз, Қувончбек Тайғанбоев ҳозирда WBO версияси бўйича америкалик машҳур боксчи Шейк Маслидан кейинги тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Қолган икки нафар боксчимиз — Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаевлар ҳам шу куни рейтинг жангларида қатнашади.

Австралияга етиб келган ҳар уч вакилимиз ҳам мураббий Кенни Адамс бошчилигида машғулотларни бошлаб юборишди.

«Туркистон-пресс»

✧✧✧

Суратда: *(чапдан) М.Абдуллаев, Р.Чагаев ва Қ.Тайғанбоев*

Кўкдумалоқнинг мовий «гавҳари»





Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларида чет эл сармоялари иштирокида бир қатор устувор лойиҳалар амалга оширилди. Уларда дунёнинг энг ривожланган давлатларидан келишган йирик компаниялар, консорциумлар, фирмалар, банклар ҳамкорлик йўлини тутишди.

Кўкдумалоқдаги нефть ва газ қазиб чиқариш объектлари ана шундай салоҳияти юксак лойиҳалардан бири эди. Кон компрессор станцияси қурилишининг ўзигаёқ Америка ва Япония фирмаларининг «Келлог — Нишо — Иваи» консорциуми ҳамкорлик қилишга талабгор бўлди. Лойиҳа қиймати 163 миллион АҚШ доллари қилиб белгиланди. Молиявий ижрочи — «Жей Пи Морган» банки бўлди. Суғурталашни Америка ва Японияннинг «Эксим банк»лари зиммаларига олишди.

Хуллас, бунёдкорлик ишлари бошланди. Мавжуд конлардан конденсат ажратиб олиш коэффиценти 30 фоиздан 70 фоизгача бўлиши кўзда тутилгани ҳолда, йилига қўшимча 2,5 миллион тонна конденсат ишлаб чиқариш режалари мўлжалланди.

Ҳисоб-китоб аниқ бўлгач, натижалар ҳам аниқ бўлган. Икки йил ичидаёқ ўта юқори босимда ишлайдиган компрессор станцияси фойдаланишга топширилди. Унинг асосий иш фаолияти — юқори босимдаги газни ер ости қатламига ҳайдашдан иборат. Бу жараён — ҳайдалган қимматбаҳо хомашё — газни ер остида узоқ муддат сақлаш ва зарур пайтда ундан тежам билан фойдаланиш имконини беради. Кейинчалик заҳирадаги бу бойлик Қоровулбозор ва Муборак нефтни қайта ишлаш заводларида тайёр маҳсулотлар (бензин, керосин, солярка, газ конденсатлари ва ҳоказо) ҳолига айлантирилади.

— Конларимиз ва заводларимиз жамоалари, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Ашуров. — Янги —2003 йилни ҳам салмоқли натижаларга эришиш билан бошлашди. Улар январь ойининг шу кунига қадар режадан ташқари юзлаб кубометр газни (биз уни мовий «гавҳар» деймиз) ер остига ҳайдаб, заҳирага қўйдилар.



✧✧✧

Суратларда: *корхона раҳбари (чапдан) Ҳасан Ашуров билан мухандис Бобомурод Чўлиев иш жараёнларини кузатишмоқда; компрессор заводи станциясининг умумий кўриниши; корхона марказий бошқарув бўлимининг тажрибали смена бошлиғи Иқром Эшмуродов пульт ёнида.*

Замон АЛИ

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Музейда талабалар конференцияси

Пойтахтдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини зиёрат қилувчиларнинг кети узилмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, музейга ташриф буюрганлар сони бугунги кунда 240 000 кишидан ортиб кетди.

Миллий университетнинг тарих факультети талабалари яқинда бу ерда очиқ конференция ўтказиб, қатағон даврига оид маърузалар тингладилар. Маърузалар бўйича мунозаралар бўлди. Факультет раҳбарияти музей жамоаси билан шартнома тузиб, бу қутлуғ масканда бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдилар.

Умида КАРИМОВА

«Бухороёғ»нинг янги маҳсулоти

Янги йилнинг бошланиши билан «Бухороёғ» ўзи ишлаб чиқараётган истеъмол ёғини 5 литрли елим идишларда қадоқлашга киришди. Бунда уларга Санкт-Петербургдаги «Альнар» фирмаси ҳамкорлик қилмоқда.

— Ҳозирги пайтда,— дейди корхонанинг ёғ қадоқлаш цехи бошлиғи Акмал Файзиев,— ҳар сменада 12 минг донагача 1 литрлик, 1800 дона 5 литрлик пластмасса идишларга сифатли ёғ қуйилмоқда. Маҳсулот сифати, қадоқланишдаги бежиримлиги савдода қўл келяпти.

Даврон Баҳронов,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Браво — 9»

«Навоий дон-инвест» масъулияти чекланган жамиятда пивонинг яна бир тури ишлаб чиқарилмоқда. Бу буғдойли «Браво — 9» пивосидир. Унинг бошқа «Браво»лардан фарқи шундаки, у қишки ичимлик. Унда спирт таркиби 8,5 даража бўлиб, зичлик босими 18,5 га тенг. «Браво — 9»нинг бозори чиққон. Бу пиво турини нафақат тошкентликлар, балки Хоразм, Қашқадарё, қорақалпоғистонликлар ҳам кўплаб харид қилишаяпти. Яқинда «Браво»нинг янги турига Самарқанд ва бухороликлар ҳам буюртма беришди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МЕХР

Майли, гўзалликка битайлик достон,
Майли, муҳаббатга фидо бўлсин жон.
Лекин жиндек меҳр кўргазса ёринг,
Уларнинг баридан афзалдир, ишон!

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил, 6 январь

• ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Ўзимизнинг беминнат нон

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ВА «ТОШКЕНТ НОН» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ХИЛМА-ХИЛ, МАЗАЛИ, ШИФОБАХШ НОНЛАР ХУСУСИДА

«Яратганга минг бор шукурки, ўз донимизга, ўз беминнат нонимизга эга бўлган шу кунларга ҳам етиб келдик.»

Ислом КАРИМОВ



Нон дунёнинг ҳамма жойида бирдек қадрли ва азиз неъмат. Аммо ҳамма жойда ҳам нон бирдек тўкин-сочин эмас. Яратганга шукурлар бўлсинки, халқимиз дастурхони, дўконларимизни турли хил нонлар безаб турибди.

Бу тўкин-сочинликка, ўз донимиз ва нонимизга эга бўлишимиз осон кечгани йўқ, албатта. Ҳукуматимизнинг ғалла мустақиллиги йўлида олиб бораётган изчил сиёсати туфайли аҳолининг нон ва нон маҳсулотлари, турли хил қандолатчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилмоқда. Бу борада «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси ва унинг тизимидаги «Тошкент нон» ишлаб чиқариш уюшмаси фаолияти диққатга сазовор. Ҳозир мазкур уюшма таркибида мулкчилик шакли турлича бўлган 60 та новвойчилик корхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан бир кеча-кундузда ўртача 500-520 тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулотлар 2300 дан кўпроқ катта-кичик савдо тармоқлари ва буюртмачи истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилмоқда. Бир кунда ўртача товар айланиши 77,2 миллион сўмни ташкил этиб, бунинг 11,2 миллион сўмга яқини корхоналар тасарруфидаги 80 та ихтисослаштирилган фирма дўконларига тўғри келади.

Ўтган йили уюшма бўйича 23 миллиард 484 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш — 2001 йилга нисбатан 111,5 фоиз (амалдаги нархларда) ўсди. Бошқача айтганда, 2002 йил давомида аҳоли дастурхонига 180712 тонна нон ва нон маҳсулотлари, 4693 тонна қандолатчилик ва 5232 тонна макарон маҳсулотлари тортиқ этилди. «Сертификат нон» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда 66 хил янги, рақобатбардош ва энг муҳими, миллий маҳсулот турлари жорий қилиниб, қўшимча тур маҳсулот дегустация (синов)дан ўтказилди ва шу йўл билан маҳсулот тури бугунги кунда 320 хилдан ошди.

Уюшманинг «Шифокор нон», «Лочира», «Ҳасанбой ота нон», «Сағбон нон» акциядорлик жамиятлари, «Нозик нон» масъулияти чекланган жамияти сингари тармоқлари пойтахт аҳолисига яхши таниш.

(Давоми 2-бетда.)

Тўй — кўнгил иши

Оилада гўдак дунёга келгани ҳамон ота-она қалбида умид ҳам туғилади. Фарзандини комил инсон қилиб тарбиялаш, диёнатли, номусли оила билан қуда бўлиш, чиройли, файзли тўй қилиш... Бу орзу умидлар фарзанд билан бирга улғаяди. Яратганга илтижо қилиб, шу умидга етказиш сўралади. Тўйга узоқ йиллар ҳам моддий, ҳам руҳий томондан тайёргарлик кўрилиши барчага маълум. «Қизингни бешикка бела, молини сандиққа ташла», деган мақол бежиз айтилмагандир. Ўғил туғилганида йигирма туп терак экиш одати ҳам ана шу тўйга тайёргарликнинг бир кўриниши. Ўғил улғайгунига қадар тераклар ўсиб иморатбоп бўлади. Бўлажак ёш оилага атаб уй солинади. «Аллоҳ ҳаммани тўйга етказсин...», «Топганингиз яхши тўйларга буюрсин...» — дея бир-биримизга тилак билдирамиз. Шундай деб бизларни дуо қиладилар. Биз ҳам бошқаларга шу саодатни тилаймиз.

Тўй туфайли хонадонимизга ташриф буюражак шодлик ва бахт умрининг нечоғли узун бўлмоғи ўзимизнинг фаҳму фаросатимизга боғлиқ. «Қарз қутулар, хотин ёнга қолар» мақолига амал қилган бўлсак, шодлигимиз тўй тугаши билан тугаб, ташвишимиз бошланади. Агар «Кўрпангга қараб оёқ узат» ҳикматидан юз ўгирмасак, қарз ташвиши бизларни азобга солмайди. «Топганингиз яхши тўйларга буюрсин», дейилмиш дуони «Топган тутганингнинг барчасини битта тўйга совуриб юбор, етмаганига қарз ол», деган маънода тушунмаслик керак. Кўнгил хоҳиши билан ҳаёт ҳақиқатининг муросага келмоғи мушкуллиги унутилмаса дуруст. Сиз билан биз ҳар қанча данғиллама тўй қилмайлик, унинг шуҳрати ен-гил шабада ҳам учириб кетувчи хазон кабидир. Одамлар ойлаб-йиллаб эслаб, мадҳ этиб юрмайдилар. Тўй ҳар қанча дабдабали бўлмасин, кишининг обрўсига обрў қўшмайди. Бугунги куёв ва келиннинг эртанги тотув ҳаёти, саодат йўлидаги интилиши, отаоналари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшниларига бўлган меҳр-оқибати, ҳаё ва одоби хонадонга ҳурмат ва эътибор келтиради.

Тўй қилиш бўйича аниқ тавсиялар йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ўйлайман. Аввал айтганимиздай, тўй — кўнгил иши. Кўнгилни эса ақл бошқаради. Яна бир гап: кўнгил талаб қилувчи дабдабани чўнтак кўтаролмаслиги мумкин. Ҳар бир шаҳарқишлоқнинг тўйга хос ўз одатлари, удумлари бор. Афсус шундаки, кўп тўйларда, айниқса шаҳарларда асосий эътиборни дастурхон безашга қаратиб, яхши урф-одатларимизни унутишга маҳкум этяпмиз. Барча жой учун бир хилда бўлган ярамас одатимиз — «ким ўзар» мусобақаси. Бу мусобақанинг шиори «Агар сендан ортда қолсам — қулоғимни кесаман!» Ҳа, бизга айнан шу шиор маъқул бўлиб қолди. Ақлни ишлатиб демаймизки: «Биров томдан ташласа, мен ҳам ташлашим керакми?»

Тўйга доир муаммолар ҳақида оқил устозларимиз кўп ва хўб ёзганлар, гапирганлар. Йил йўқки, матбуотда бу масала кўтарилмаса. Тўй қилувчилар бу ҳикматларни ўқимайдиларми, ҳар ҳолда ўз билганларидан қолмайдилар. Демоғингиз мумкинки: «Тўй қилувчи Фалончи, қийналса ўзига жабр, сизга нима?» Сиртдан қараганда шундай. Аммо «жамият, унинг тараққий этмоғи», деган тушунчаларимиз ҳам борку? Бугун оила қурадиганларнинг маънавий-руҳий оламлари, маданий даражаларини жамиятдан айри ҳолда кўролмаймиз-ку? Тўйлардаги исрофгарчилик жамият тараққиётига салбий таъсир ўтказмайдими? Тангри таолонинг «енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар», деган амрини бажармаслигимиз жазосиз қолармикин? Ўтмиш донолари хазинасига разм ташласак, исрофга доир кўплаб бебаҳо фикрларни учратамиз. Айни дамда шулардан бирини эсламоқни лозим топдик:

«Исроф энг ҳурматли оилаларни ҳам бузади, энг бой хонадонларни оқибат вайрон қилади. Энг юқори мансаблардан тубан туширади. Энг шуҳратли ному насабга эга бўлганларни хор-зор қилади. Шунга кўра исрофдан сақланмоқ, ҳар бир ишда тежам, иқтисодга риоя қилмоқ шартдир. Тадбир билан сарф қилинган мол-дунё озаймайди, балки ортади. Бахил, хасис одам пулини ҳатто ўзига ҳам сарф қилишга кўзи қиймай, очлик ҳолида яшайди. Исрофчи эса охир-оқибат бир тийинга зор бўлиб қолади.»

Биз устозлардан ўқиганимиз, доно отахонлардан эшитганимиз асосида бир-икки фикрни баён қилишга эҳтиёж сездик.

Улуғимиз Абдулла Қодирийнинг дастлабки саҳна асарлари «Бахтсиз куёв» деб номланган. Асарнинг маъносини сарлавҳаданоқ англагандирсиз? Фақат «ўтмишда уйланажак қаллиғини никоҳдан аввал кўришмаган, бир йигитга қари қиз дуч келган бўлса, унинг бахтсизлиги шу-да», деб фикр қилманг. Асардаги куёв боланинг бахтсизлиги — тўй туфайлидир. «Тўй» ва «касофат» тушунчалари бир-бирини инкор этсада, мазкур воқеадаги куёвнинг бахтсизлиги айнан шу тўйнинг касофатидандир. Бўлажак куёв — етим. Амаки ота ўрнида ота бўлиб жиянни уйлантириш ҳаракатига тушади. Яхши хонадоннинг қизига совчи бўладилар.

(Давоми 2-бетда.)

1

2

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Обод маҳалла йили

эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотлари жойларда турли-туман тадбирлар ўтказилишида ўз ўринларини аниқламоқдалар. Жумладан, **партиямизнинг Тошкент вилоят кенгаши** «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан «Ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида»ги шартномани имзолади. Унга мувофиқ вилоят партия ташкилотлари Обод маҳалла йили тадбирларида фаол иштирок этадилар. Битимни имзолаш маросимида сўзга чиққан Тошкент вилоят партия кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг раиси Т.Миркомилов анъанага айланган ўзаро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатишни кучайтирмоқда. Чунончи, у Урганч шаҳридаги «Умид» маҳалласининг ҳашар йўли билан қурилган маъмурий биносини мебеллар билан жиҳозлаш ва «Гўзал» номли маданий-маиший ҳамда спорт мажмуининг фаолиятини йўлга қўйишга, шунингдек, Обод маҳалла йили доирасида қилиниши мўлжалланаётган тадбирлар режасини тузишга яқиндан ёрдам берди.

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси билан биргаликда Ўзбекистонда демократик жамиятнинг қарор топишида сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни» мавзусида учрашув уюштирди. Унда партия фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, БПТ котиблари иштирок этдилар. Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди С.Хидиров маъруза қилди. Туман партия кенгаши етакчиси Л.Исматова Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиздаги парламент ислоҳотида иштироки, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасида қилинаётган ишлар, Обод маҳалла йилини ўтказишда «Маҳалла» жамғармаси ва маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликнинг истиқболлари каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Партия ташкилотлари ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Жиззах туман кенгашининг навбатдан ташқари пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Унда мазкур туман кенгаши биринчи котиби этиб **Ғайбулла Шукуров** сайланди. Пленумда Жиззах вилоят партия кенгаши биринчи котиби М.Иномов, туман ҳокими ўринбосарлари М.Эргашев ва Р.Рашидов сўзга чиқдилар.

Учқўрғон туман партия кенгашининг кенгайтирилган пленумида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг Қарияларни қадрлаш йили тадбирларида иштирокининг якунлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Туман кенгаши биринчи котиби И.Каримов шу ҳақда маъруза қилди. Тадбир сўнггида оммавий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий ишларда жонкуярлик кўрсатган партия фаолларидан катта гуруҳига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Фарғона вилоят ва Учқўприк туман кенгашлари ҳамда туман ҳокимлиги Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Косонсой ва Янгиқўрғон туман партия ташкилотлари кўмагида ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган О.Отамирзаев ва Ҳ.Ҳайдаровларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари ўтказилди. Депутатлар олиб борган ишлари тўғрисида йиғилганларни хабардор қилиб, кейинги режалари билан ўртоқлашдилар. Сайловчилар вакиллари депутатлар фаолиятини маъқуллаб, уларнинг диққатини ҳал этилмаган муаммоларга қаратдилар.

Тўрақўрғон туман ХДП кенгаши ижроия бюроси ҳудудий партия тузилмаларини ривожлантириш масаласини муҳокама қилиб, тегишли тадбирлар режасини тасдиқлади. Шунингдек, йиғилишда туманда 2003 йил учун партия матбуот нашрларига обуна қилинишининг дастлабки натижалари ҳам кўрилиб, хулосалар қилинди.

Маданий-маърифий тадбирлар

Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотлари ўз кучлари билан ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда давом этаётирлар. Мисол учун, **Ўртачирчиқ туман партия кенгаши**, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари Янги йил арафасида Кўзи ожизлар жамияти маҳаллий бўлинмасида бўлиб, ногиронлар ҳолидан хабар олдилар. Туман ҳокими М.Тиллабоев ва партия кенгаши биринчи котиби Ф.Абдужабборов байрам дастурхони атрофида йиғилганларга мамлакатимиз ва жойларда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, 2003 йил режалари ҳақида гапириб, совға-саломлар улашдилар.

ЎзХДП Уйчи туман кенгаши, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод» жамғармасининг бўлинмаси, ҳамкорликда, Қарияларни қадрлаш йили якунига бағишлаб маросимли кеча ўтказдилар. Туман маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда меҳнат фахрийлари, намунали оилалар, партия фаоллари ва ёшлар вакиллари қатнашдилар. «Ёшлар — оила ва жамият» мавзусида ўтказилган тумандаги коллежлар ўқувчиларининг беллашувлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Голибларга туман партия кенгаши Фахрий ёрлиқлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

«Гулла, яшна, жонажон Ватан!» шиори остида Оққўрғон туман маркази ва Алимкент шаҳарчаси маданият уйларида маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари томонидан оммавий маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Унда аҳоли турли қатламлари ва ёшлар вакиллари, партия фаоллари, жами мингга яқин киши қатнашди. **Оққўрғон туман партия кенгаши** биринчи котиби М.Турдибоева йиғин қатнашчиларига ортда қолган йилда қилинган ишлар, янги режалар ва Обод маҳалла йилининг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Тадбир санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

«АндОр» хизматидан йўловчилар мамнун

Қўшма корхонанинг «Отойўл» автобуслари қаторига қўшилган 22 та «Дамас» ва «Тико» автомобиллари янги йилнинг қутлуғ кунлариданоқ йўловчилар хизматида.

Андижондаги «АндОр» қўшма корхонаси жамоаси бир неча йилдан буён «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқарган «Тико», «Дамас» автомобиллари ва «Отойўл» автобуслари билан кўпчиликка транспорт хизмати кўрсатишни кўнгилдагидек амалга ошираяптилар. Аҳоли талабига биноан Андижон шаҳри ва шаҳар атрофидаги қатор қишлоқларга автобус қатнови йўлга қўйилди. 78 киши



муқим иш ўрнига ҳам эга бўлди. Якунланган йилда автобуслар ҳамда енгил таксилардан тушган даромад 64 миллион сўмдан ошди.

— «Андижон-Орол» йўналишида кўпдан буён меҳнат қиламан, — дейди «Отойўл» автобус ҳайдовчиси Эркинжон Ортиқов. — Корхонамиз «Асакабанк»нинг «Фарҳод» филиалидан 150 миллион сўм миқдорда кредит олиб, «Андижонавтотеххизмат» акциядорлик жамияти орқали 22 та «Дамас» ва «Тико» харид қилди. Бу билан аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўламининг кенгайишига йўл очилди.

Кеча — жума куни тонгда янграган карнай-сурнай садолари билан малакали ҳайдовчилар бошқарган «Тико», «Дамас» автомобиллари биринчи иш кунини бошлашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: *ҳайдовчи Мақсудбек Сиддиқов янги «Тико» автомобилида хизмат йўналишига шай.*

Х.АРАББОЕВ олган сурат

• СЕМИНАР-КЕНГАШ

Иқтисодчилар малака оширишди

6-8 январь кунлари Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодиёт билан боғлиқ кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Устоз» жамғармаси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, иқтисодиёт ҳамда бизнес, мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти кўмагида ташкил этилди.

Семинарда республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳалари олимлари ва мутасаддилари маърузалар қилишди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Гадоев, Ўзбекистон молия вазири ўринбосари Туроб Жўраев, сиёсий шарҳловчи Қуддус Аъзамов ва бошқалар сўзга чиқиб, иқтисодиётни эркинлаштиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги бюджети ва унинг структураси масалалари ҳамда бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ҳақида фикрлашдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор Ғуломов иштирок этди.

Дилшод ҚОСИМОВ

• ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Ўзимизнинг беминнат нон

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Айниқса, уюшманинг республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Ниҳол» тажриба заводи билан ҳамкорликда янчиб қиздирилган кепак ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги, инсон саломатлиги йўлида амалга оширилган хайрли ишлардан бўлди. Ушбу маҳсулот таркиби ҳар хил витамин, углевод, оқсил ва микроэлементларга бой бўлиб, у одам организмида ичак йўллари фаолиятини меъёрлаштиради ҳамда тана қувватини мустаҳкамлаб, вужудни зарарли чиқиндилардан тозалаш вазифасини ўтайди. Бу маҳсулотлар хусусан, дисбатериоз, гастрит, қанд, гипертония ва ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун айниқса, фойдалидир.

Уюшма булар билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Яқин кунларда «Илдиз» корпорацияси тавсия этган қуритилган сабзавотлар (қовоқ, пиёз, саримсоқ пиёз, лавлаги ва ҳар хил кўкатлар) кукуни қўшилган 20 турдан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқариш учун дегустация тадбири ўтказишни режалаштириб турибди. «Кўкча нон», «Ҳасанбой ота нон», «Улуғ неъмат» сингари корхоналарда ҳозир ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Шунингдек, Москванинг «Нива хлеб» корхонаси билан ҳамкорликда (улар томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган) олти турдаги йодли нон маҳсулотларини ҳам ўзимизда йўлга қўйиш учун жиддий саъй-ҳаракатлар бўлаяпти. Негаки, аҳоли ўртасида (айниқса, ҳомиладор аёллар ва ўсмирларда) учрайдиган бўқоқ касаллигини олдини олишда бу маҳсулотлар жуда-жуда асқотиши тиббиётдан маълум. Айни пайтда одамлардаги ортиқча семизлик, юрак-қон томир ва бошқа бир неча тур касалликлар олдини олиш мақсадида буғдой таркибидаги барча моддаларни сақлаб қолган ҳолда «Наврўз» нони сотувга чиқарилгани нур устига аъло нур бўлди.

Шуниси қувончлики, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ва «Тошкент нон» уюшмаси корхоналари маҳсулотлари республика миқёсида ўтказилаётган қатор кўрик-танловлар, умумхалқ байрамлари ва бошқа нуфузли кўргазмаларда фаол намойиш этилмоқда. Масалан, ҳар йили «Мустақиллик» ва «Наврўз» умумхалқ байрамлари ўтказиладиган майдон ва хиёбонларда махсус савдо шахобчалари ташкил этилиб, уларда 420 хилдан ортиқ маҳсулот турлари аҳоли томонидан севиб харид қилинмоқда. Чунончи, «Руста қандолат» масъулияти чекланган жамияти ва бир қатор бошқа корхоналарнинг маҳсулотлари (шарқ ширинликлари ва миллий нонлар) нафақат республикамизда, балки Японияда ўтказилган «Foodex Japan — 2002» Халқаро кўргазмада дунё мамлакатлари қандолатчилари ҳамда новвойларининг эътиборига сазовор бўлди.

— Бу ютуқларга, — дейди уюшма бош технологи Гулчеҳра Ҳошимова, — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари доимо меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган даражада бўлишини таъминлаш туфайли эришаяпмиз. Бунинг учун корхоналаримиз таркибидаги 37 та ишлаб-чиқариш технологик лабораторияларни олдиндан шаҳодатдан ўтказиб, барвақт ишга туширдик ва барча лабораторияларимизни малакали мутахассислар билан тўлдирдик.

— Сўнгги йилларда, — дея суҳбатга қўшилди уюшма бош муҳандиси Баҳром Мухторов, — «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан шаҳар ҳудудида 38 та новвойхона ва нон ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар қурилиб, уларга хорижнинг энг замонавий технологиялари асосида ишлайдиган дастгоҳлар ўрнатилди. — Биргина ўтган йили «Марҳабо нон» МЧЖ даги эски «рус печи» ўрнига бир кеча-кундузда 9,5 тонна нон пишириш қувватига эга «ФТЛ-2» печи ўрнатилди. Бу — Мирзо Улуғбек туманида аҳоли энг зич яшайдиган ТТЗ мавзеси аҳолисини нонга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди. Бектемир туманида «Қўйлик ота нон», Сирғали туманида «Хуршида Бону» корхоналари эса ўз даромадлари ҳисобидан янги қувватлар барпо этишди. «Тансиқ нон» корхонасида соатига 150 килограмм печенье, «Нон неъмат» корхонасида Украинадан келтирилган 1,5 тонна қадоқланган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилди. «Тахтапул нон» ҳиссадорлик жамияти билан Эрон давлатининг «Мутамедин мабра» фирмаси ҳамкорлигида «Тоннел Овен» печенье ишлаб чиқарувчи технологик линияси ўрнатилиб, у бир кунда 8 тоннагача печенье турлари етказиб берувчи «Ҳирот Баракат» қўшма корхонасида ишга туширилди. Бу йил Шайхонтоҳур туманида қурилаётган «Умид нон», Собир Раҳимов туманида «Жамол ота нон» корхоналарини ҳам барвақт битказиб, уларда айни Наврўз умумхалқ байрами кунлари маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Уюшма таркибидаги «Ҳикматли нон» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг фаолиятини олинг. Корхона пойтахтимизнинг аҳоли гавжум жойларидан бири — Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган. Бир кунда 10 тоннагача нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мазкур масканда 64 киши уч сменада меҳнат қилади.

Бугина эмас. «Бек нон», «Тараххум» корхоналарида янги фирма дўконлари ишга туширилди. «Бекас Фууд» корхонаси қошида эса истеъмолчиларнинг харид қилишларига қулай — супермаркет қурилиши тугалланиш арафасида.

— Супермаркетимизнинг биринчи қаватида нон, озиқ-овқат, гўшт ва сут маҳсулотлари бўлимлари билан бирга алоҳида жойлашган дорихона ҳам ишга тушади, — дейди корхона раҳбари Мақсуд Қосимов, — Иккинчи қаватда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшимча дастгоҳлар ўрнатилиб, уларда миллий ширинликлар тайёрлаш кўзда тутилган...

— Супермаркет қурилиши бизнинг маҳалламизда олиб борилаётганидан бениҳоя мамнунмиз, — дея ўз қувончини изоҳлади. Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли Шукур ота Сатторов. — Президентимиз томонидан 2003 йил — Обод маҳалла йили деб эълон қилинган бир вақтда, бу қурилиш — аҳолиси 6 мингдан зиёдроқ маҳалламиз аҳолига катта қулайлик, катта совға бўлди. Қолаверса, эндиликда маҳалламиз ёшларининг муайян қисми бу ерда иш билан ҳам таъминланади.

Уюшманинг «Лочира», «Кўкча нон», «Боғистон нон», «Зиёда нон», «Сағбон нон», «Қушбеги нон» ва яна бир қанча корхоналари Акмал Икромов туманидаги 30 та умумтаълим мактабларида талабаларни тайёр нонушталар билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар олиб бормоқда.

Уюшма ва унинг таркибидаги корхоналар 2003 йилда талайгина янгиликларни ҳам кўзда тутган. Масалан, аҳолини ёпган (уй) нонга бўлган талабларини қондириш мақсадида ҳар бир маҳаллада механизациялаштирилган тандирлар ўрнатиш, уларда миллий ёпган нон ва патирлар ишлаб чиқариш, уюшма қошида хамиртуруш цехи ташкил этиб, арзон нархда сифатли хамиртуруш ишлаб чиқариш сингари кўплаб режалар бор.

Ҳамма ниятлар аҳолини ширин, хуштаъм, шифобахш нон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Ўз буғдойингдан тайёрланган ўз нонингга нима етсин.

Умиджон САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тўй —

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қизнинг отаси «тўй-тўйдек бўлсин», деган орзуда оламжаҳон нарсаларни талаб қилади. «Бўлажак оилани қийнамаслик керак, дабдабали тўйнинг ҳожати йўқ», деган насиҳатларга қулоқ солмайди. Куёв боланинг амакиси уятга қолмаслик учун бу талабларга кўнади. Оқибат отадан қолган ҳовли-жой гаровга қўйилиб, кўп миқдорда қарз олинади. Куёв қарзни вақтида беролмайди. Судхўр ҳовли-жойни тортиб олажагини билдирганда, куёв «бу кунимдан ўлганим яхши», деб жонига қасд қилади. Буни кўрган келинчак кўзига дунё тор кўриниб, у ҳам ўзини ўзи ўлдиради.

Таъсирли тарзда, насиҳат йўсинида битилган бу асарда баён этилган воқеа юз йилнинг нари-берисида бўлиб ўтган. Ажабким, тўйда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақида унда айтилган гаплар бугунга ҳамоҳанг бўлиб турибди. Тўй эгасига қилинган насиҳатларнинг шамолга қарши қичқириш каби самарасиз кетиши ҳам юз йилни оралаб бизнинг кунимизгача етиб келибди. Тўғри, ҳозир кўп жойларда «қалин» деган тушунча йўқ. Аммо унинг ўрнига ёзилмаган, аммо бажарилиши шарт бўлган турли-туман қоидалар мавжуд. Бу қоидалар бадавлат оилалар томонидан тез-тез ўзгартирилиб турилади. Агар келин томонга тўй юборилганда аввал битта қўй берилган бўлса, серҳиммат бирodарларимиздан бири жуфт қила қолди. Сўнг унинг ёнига бузоқ қўшилди. Агар илгари битта сандиғу битта жавон билан оила қуриш мумкин бўлган бўлса, ҳозир «мебель» дегани пайдо бўлди. Аввал фақат ётоқ учун олинган бўлса, энди унинг ёнига меҳмонхона, ошхона мебеллари ҳам қўшилди. «Фарзандимнинг кўнгли чўкмасин», деб ота-она жонини жабборга беришга мажбур. «Мебель» отлиқ ҳашамни Тошкентда келин томон қилади. Бошқа ерларда куёв олиши керак. Бир хонадонда тўйга тайёргарлик бошланган эди. Қиз томон «мебел»ни олиб келиб ўрнатмоқчи бўлганида, куёв томон «ие, мебель чет элники эмас экан-ку?» дебди. Шу гап туфайли тўй бузилди, десак ишонмассиз. Сиз ишонинг бу бўлган воқеа. Ана энди ўзимизга савол берайлик: йигит «мебел»га уйланадими, ё қиз «мебел»га турмушга чиқадими? Шу матоҳни деб тўйни орқага суришлар ҳам мавжуд-ку? Бунга нима деймиз? Қўполроқ бўлса ҳам бу — ақлсизликнинг ўзгинаси эмасми!

Ўрни келганда айтиб ўтайлик: ота-она тўй ҳаракатини бошлаганида аввало ўз имкониятини чамалаб кўриши ва шунга қараб маросимнинг даражасини, ўтказиш тартибини белгилаб олиши лозим. Ундан сўнг фарзанднинг тарбиясида шу масалага ҳам жой берилиши шарт. Яъни, дабдабадан, демакким кибрдан қочишнинг савоблиги, бировларга қараб кўнгилнинг чўкиши яхши эмаслиги, оила қурмоқлик фақат дабдабали тўйдан иборат бўлмаслиги, оила саодатини тўйнинг шуҳрати эмас, тўйдан кейинги тотув ҳаёт белгилаши ҳақидаги ҳақиқатларни фарзанднинг онгига сингдиришга уриниш керак.

Тўйлардаги ичкилик ичиш алоҳида бир масала. Олтмишинчи йилларга қадар тўйларимиз бошқача ўтарди. Кейин «комсомол тўйи» деб номланмиш бемаъни базм кашф қилиниб, харажатлар кўпайгандан кўпайди. Бугунга келиб «комсомол» деган нарса йўқолди. Бироқ, унинг номи билан юзага келган тўй шакли сақланиб қолди. Асл ўзбек тўйидаги ёр-ёр, тортишмачоқ каби ажойиб одатлар ўрнини маст-аласт қийқириқлар эгаллади. Урушжанжал, баъзан қотиллик ҳам шундай тўйларнинг мевалари экани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, буларни билиб турсак-да, билмагандек хотиржам юраверамиз.

Кўпчилик аракси тўй қилишдан уялади, «тўйига арақ қўймабди», деган маломатдан қўрқади. Ҳатто камроқ қўйишга ҳам журъат қила олишмайди. Гўё арақ мўл бўлмаса, тўй қизимайдигандек.

Саксонинчи йилларда украиналикларнинг «Тўй айбланади», деб номланган кинофильми бўларди. Фильм ўзбек тилига таржима қилинган, ҳозир ҳам телевидение орқали намойиш этиб турилади. Унда ёш футбол юлдузининг ўлимига сабаб бўлган ресторандаги тўй, исрофгарчилик, маст-аласт йигитларнинг қилиқлари кўрсатилади. Эътибор берайлик: Европа учун ресторандаги тўй, ичкилик одатий нарса. Шунда ҳам улар бу одатга қарши чиқяптилар. Биз эса Европадан маданиятни эмас, уларнинг ўзлари ҳам рад этаётган ёмон одатларни оляпмиз.

Европадаги миллионер оилалар ҳам тўйларида биз каби сочиб, исроф қилмайди. Улардаги никоҳ ўқитиш маросимининг ўзи тўй. Энг яқин одамларини таклиф этишади. Бир неча соат ичида тўй ўтади. Биз улардан мана шу никоҳ ўқитиш (яъни — ЗАГС) маросимини олдик-да, ўзимизникига қўшдик. Ана энди тўй маросимларимизни санаб ўтайлик: совчилар ишни пиширсалар қиз билан йигитнинг кўчада кўришув маросими бўлади. Қиз билан йигит аввалдан бир-бирларини билсалар-да, совчиларнинг аралашувисиз аҳду паймон қилиб қўйган бўлсалар-да, бу маросимга келадилар. Йигит қизга қимматбаҳо совға беради. Совғанинг қабул қилиниши ризолик аломати экан. Ана ундан кейин яна совчилар борадилар ва «оқ ўраш ёки патир синдириш» маросими бўлади. Кейин эса фотиҳа тўйи, бошқача айтилса қўни-қўшнилар, яқинларга маълум қилиш мақсадида бўлажак келиннинг уйига тоғоралар «карвони» жўнатилади. Агар тўйга қадар орада ҳайит байрами бўлса, «йўқлов» деб аталмиш янги «карвон» йўлга чиқади. Булар — тўйнинг дебочалари. Баъзи жойларда «маслаҳат оши» дегани ҳам бор. Номидан маълумки, яқинлар тўйни ўтказиш тартибини белгилаш учун чақирилади. Ошдан сўнг маслаҳатлар берилади ва ... тўй эгаси маслаҳатларга қулоқ ҳам солмайди, ўз билганидан қолмайди. Орада дастурхон сарсон... Ниҳоят тўй. (Етказганига шукур!) Бир кун тўй юборилади (тўй олинади). Бир кун куёв (ёки келин)нинг отаси ишхонасидагиларга зиёфат қилади, яна бир кун онаси ҳамкасбларига дастурхон ёзади. Бир кун келинникида «Қиз базми». Ҳозир бу маросимга куёв жўралари ҳамда отаси ва унинг яқинлари билан келадиган бўлган. Бундан олдин ёки кейин ҳар икки хонадонда «худойи». Сўнг «сабзи тўғрар» деб номланмиш зиёфатча. Эртасига эрталаб (ёки пешинда) ош. Кейин «ЗАГС» деб аталувчи маросим. Никоҳдан ўтилгач, ёшлар учун бирон ерда кичкина зиёфатча. Ниҳоят, ҳовлида ёки бирон ресторанда никоҳ базми! Эрталаб келинсалом ва аёлларнинг қаймоқхўрлик зиёфати. Тўй эгалари нафас ростлашга улгурмай, эртага кутилаётган «чарлари» маросимига тайёрланишни бошлайдилар. Куёв тўра эса ўртоқларига яна бир зиёфат берадиким, бунинг номини «куёв оши» дерлар. Чарларида аввалларида келин отасиникига тўйдан уч кун ўтиб келарди. Ҳозир тезлашув замонимиз, тўйнинг эртасигаёқ келади. Камида 60 аёл билан келган куда хотинлар камида 6-7 хил таом билан сийланадилар. Аёллар кетишгач, энди куёв бўлмиш жўралари билан келади. (Худди қайнотасига ҳисоб бергани келганга ўхшайди, шундай эмасми?) Изма-из куёвнинг отаси, бошқа қариндошлари билан келишиб «чарлари» давом этади. Тўйлар шу зайлда ниҳоясига етгач, «тоғаникида келин салом», «Амма-холаникида келин салом»... каби маросимлар бошланади. Бу орада Худо фарзанд бериб «ақиқа» ёки «бешик тўйи»... Хуллас, сўзни мухтасар қилсак, тўй-тўйга уланади. Донолар таъбири билан айтсак, «йўғонни чўзадиган, ингичкани узадиган» маънисиз ва кераксиз одатлар, расм-русумлар оқими... Кези келганда ҳайит байрамидаги келин салом маросимларини эсламасак бўлмас. Бу маросимга келин томон беҳисоб тоғоралар «карвони»ни жўнатади. Уч кун давомида келиннинг уйи, ясатиғлиқ дастурхон атрофи гавжум бўлади.

• ТАДҚИҚ ВА ТАҲЛИЛ

Демократик сайловларга бир назар

2002 йил интиҳосига етиб, орадан анча кунлар ўтиб бораётган бўлса-да, мазкур йилда эришилган ютуқлар, бой берилган имкониятлар, муваффақиятлар ва камчиликлар ҳамон сарҳисоб қилинмоқда, содир бўлган воқеаларнинг тафсилот ва таҳлили давом этмоқда, баҳсу мунозаралар ўз ниҳоясига етганича йўқ. Бироқ, ҳар кимнинг ўз қаричи, ўз нуқтаи назари ва иддаоси бор. Шу боис, тарихга айланган йил ким учундир зафарли, ким учундир надоматли бўлгани тайин. Шундай бўлса-да, умуминсоният келажаги ва тақдирига у ёки бу даражада дахлдор, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайдиган жараёнлар ҳам йўқ эмас.

Янги юз йиллик дебочасида инсоният баралла жар солиб, демократик фуқаролик жамияти сари йўл тутган экан, зотан,у умумбашарий мақсад ва қадриятга айланиб улгурган экан, фуқаролик жамияти тантанаси йўлида қўлга киритилаётган ҳар бир ғалаба, қайси мамлакат ва жамият миқёсида бўлмасин, умуминсоният ғалабаси сифатида эътироф этилмоқда. Шу маънода, 2002 йил банибашарни олий мақсадимиз менгзаган манзилимиз томон қанчалар яқинлаштирди, деган савол ўртага чиқади. Бу борадаги ютуқларнинг мезони сифатида, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили бўлган энг оммавий демократик институт — сайловлар жараёнига назар ташлашни лозим деб топдик.

*2002 йилдаги овоз бериш жараёни умумхалқ референдуми кўринишида мустақил **Ўзбекистонимиз**да бошланди, десак хато бўлмайди. Марказий сайлов комиссиясининг 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Ахборотига кўра, референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди. Мамлакатимизда тўртинчи бор ўтказилган ушбу референдумда келгуси чақириқ Ўзбекистон парламенти икки палатали асосда сайланишини овоз берувчиларнинг 93,65 фоизи ёқлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини етти йиллик қилиб ўзгартиришни қувватлаб, сайловчиларнинг 91,78 фоизи овоз бердилар. Референдумда олинган натижалар бир қатор конституциявий қонунларда ўз аксини топди ҳамда келгуси парламент ва президент сайловлари учун янгича замин ҳозирлади.*

*2002 йил баҳорда **Франция**да бўлиб ўтган президентлик сайловлари барчани лол қолдириш билан бирга бутун Европа учун катта ташвиш ҳам олиб келди. 2002 йилнинг 21 апрелида бўлиб ўтган президентлик сайловларининг биринчи босқичида ўта радикал ўнг қанот партия — Миллий фронт лидери Ле Пен 16,86 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди. У ҳатто 16,16 фоиз овоз олган Социалистлар партиясининг вакили, мамлакат собиқ бош вазири Л.Жоспенни ҳам ортда қолдирди. Бироқ, миллатчиларнинг бу галги ҳамласи ҳам француз демократиясининг қаддини бука олмади. Бутун Франция жамоатчилиги демократик республика келажаги, француз халқининг нуфузи ва азалий қадриятлари ҳимояси учун оёққа қалқди. Пойтахт ва марказ шаҳарларида миллионлаб кишилар кўчаларга чиқдилар. Бундай норозилик намойишлари Франция тарихида яқин ўн йилликларда кузатилмаган эди. Ниҳоят, 4 май куни бўлиб ўтган президентлик сайловининг ҳал қилувчи босқичида бор-йўғи 17 фоиз овоз олган Ле Пен батамом мағлубиятга учради. Мамлакатда демократия ғалаба қозонди. Республика учун Иттифоқ — мўътадил ўнглар партияси лидери Жак Ширак Франция тарихида мисли кўрилмаган 78 фоиз овоз билан иккинчи марта, бироқ бу сафар беш йил муддатга мамлакат президенти этиб сайланди.*

2002 йил 16 июнда бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳам айнан президент партияси бошчилигидаги ўнглар блоки ғалаба қозонди. 5 йилга сайланадиган мамлакат парламентининг қуйи палатаси — Миллий Ассамблеядаги 577 ўриннинг 350 таси, яъни 60 фоизи Республика учун Иттифоқ, Француз демократияси учун Иттифоқ, мўътадил ўнг партиялар томонидан забт этилди. 1981, 1986, 1988, 1997 йилги парламент, 1981 ва 1988 йилги президент сайловларида ғолиб чиққан сўллардан омад бу сафар батамом юз ўгирди. 1997 йилги парламент сайловларида 250 ўринни қўлга киритган Социалистлар партияси бу сафар 138 та ўрин, яъни 23,9 фоиз овоз билан чекланишга мажбур бўлди. Уларнинг маслакдоши бўлган Коммунистлар партияси ҳам аввалги 35 ўриндан 21 тасини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар, холос. Агар 1998, 2001 йилдаги Сенат сайловларида ҳам ўнгларнинг тантанасини ҳисобга олсак, Франция сиёсий ҳаётида «неоголлизм» даври бошланди, деган хулосага кела оламиз. Бу эса, 1997 йилдан бери давом этиб келаётган ўнглар ва сўллар ўртасидаги мажбурий «никоҳ»нинг ҳам узил-кесил барҳам топганлигини англатади.

*2002 йил 22 сентябрда **Германияда** бўлиб ўтган парламент сайловлари ғоят қизғин кечди. 1998 йил октябрь сайловларидан сўнг ҳокимият тепасига келган амалдаги бош канцлер Герхард Шрёдернинг Социал — демократлар иттифоқи партияси 1999 йилдан инқирозга юз тута бошлаган, 2001 йил баҳоридаги маҳаллий ва регионал сайловларда кутилган натижаларни бой берган эди. Бироқ, бу сафар ҳам 58 ёшли Г.Шрёдер катта немис машинаси рулини ўз қўлида сақлаб қола олди. 1982-1998 йилларда мамлакатни бошқарган Христиан-демократлар Иттифоқи партияси билан бир блокка бирлашган Шрёдерчилар 656 нафар депутатдан иборат Бундестагнинг 250 ўрнини ёки 38,9 фоизини қўлга киритдилар. Бу 1998 йилги сайлов кўрсаткичларидан 5 фоиз оздир. Ҳокимиятга асосий даъвогарлик қилаётган либерал-демократлар партияси эса 248 та ўрин ёки 38,2 фоизни забт этиб, иккинчи юқори поғонадан жой олди. Диққатга сазовор томони шундаки, Г.Шрёдернинг яқин маслакдоши Я.Фишернинг «Яшиллар» партияси бор-йўғи 54 овоз ёки 8,5 фоиз овоз соҳиби бўла олдилар, холос.*

Шугина эмас, 4 йиллик мандатни кўзда тутувчи Бундестаг сайловлари бош канцлер тақдирини ҳам «зимдан» ҳал қилади. Ҳукумат раҳбари бош канцлер президент таклифи билан парламент томонидан сайланади. Бу сайловда Г.Шрёдер 305 та, яъни 47,1 фоиз овоз билан 45,9 фоиз овоз тўплаган ўз рақиби Эдмунд Штейберни мағлуб этди.

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
сиёсий шарҳловчи

(Давоми келгуси сонда.)

«ОҲАЛИК»даги қотиллик

ИЧКИЛИК, ЖАНЖАЛ САБАБ ЁШ ЖУВОН ҲАЁТДАН ЭРТА КЎЗ ЮМДИ, ФАРЗАНДЛАРИ ЕТИМ БЎЛИБ ҚОЛДИ

«Барча кулфатлар онаси — ичкиликдир». Касбимиз тақозосига кўра ичкилик касри билан рўй берган нохуш ҳолатларга дуч келганда донишмандларимиздан бири айтган бу гапни тез-тез эслаймиз. Ичкилик туфайли болалар ногирон, рўзғордан файз, оиладан дарз кетади. Оғир жиноятларнинг аксарияти спиртли ичимлик ичиш оқибатида содир бўлаётганлиги ҳам факт. Кўп ҳолларда ўғирлик, босқинчилик, талончилик, қотиликка «етаклаган» ҳам суриштириб келганда ичкилик бўлиб чиқаётир.

Самарқанд тумани «Оҳалик» қишлоғидаги ваҳшийлик ҳам ичкилик оқибатида рўй берди.

Ўткур Боймурзаев оилали. Икки нафар фарзанди бор эди. Энди эса...

Сўнгги вақтларда Ўткур ичмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Ишламайди. Бекорчи. Уйга маст ҳолда келиб, хотинини дўппослайдиган қилиқ чиқарди. Бундан хабар топган қайнотаси қизини уйига олиб кетган пайтлар ҳам бўлди. Ота бечора «турмуши яхши бўлиб кетар», дея қизини қайтариб куёвникига жўнатди. Бўлмади. Ўткур эски одатини ташламади. Ичиб келиб, жанжал кўтариб хотинини урарди.

Ўша куни ҳам Ўткурнинг кайфи бор эди. «Бунақа хотиннинг боридан йўғи яхши» дея ўзича режа тузди. Тўйиб арақ ичди. Кўзи қонга тўлиб уйига борди. Эрининг важоҳатини кўрган хотини бир сесканди. «Нега бу аҳволда юрибсиз?». Жанжалга шу гапнинг ўзи кифоя эди. Ўткур қўлидаги болға билан хотинининг боши ва баданига ура кетди. Бундан қаноатланмай ўғли ва қизининг кўз олдида 12 жойига пичоқ санчди. Қонга беланган жувон шу тариқа жон таслим қилди. О.Ҳамидованинг эри томонидан ваҳшийларча ўлдирилганини эшитган ҳамқишлоқлари Ўткурни лаънатладилар.

Ёш жувон умри эрта хазон бўлди. Икки фарзанд етим қолди. Раҳмсиз, қотил эр эса қилмиши учун йигирма йилга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда савол туғилади. Ўткурни ичкиликдан қайтариб, мудҳиш қотилликнинг олдини олиш мумкинмиди? Оғир савол. Бу оиладаги гап-сўзларга нега қариндош-уруғлар эътиборсиз қарашган? Нега Ўткурни тартибга чақирадиган битта мард топилмади? Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқоллари, таниш-билишлар бу оиладаги жанжаллардан наҳотки хабарсиз бўлган бўлишса?

Қизи доғида куйган отанинг кўз ёшлари... Жуда оғир ҳолат. «Оҳалик» қишлоғида рўй берган мудҳиш қотиллик кўпларнинг кўзини очиши керак. Атрофимизда бўлаётган воқеаларга соғлом ақл, тийран кўз билан қарайлик. Арзимасдай бўлиб туюлган ўзаро жанжал газак олмаслик чорасини кўрмоқ зарур.

Салим ТИЛАВОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Венесуэлада референдум ўтказилади

Венесуэла ишчилар конфедерацияси президенти Карлос Ортеганинг баёнот беришича, ҳукумат қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми, мамлакат президенти Уго Чавесга халқ ишончини аниқлаш бўйича барибир референдум ўтказилади. Референдум 2 февралга мўлжалланган. Шунинг учун у Венесуэла халқини бўлажак референдумга тайёрланишга ва унда фаол иштирок этишга чақирди.

«Мамлакатдаги бугунги тузумнинг истиқболи йўқ. Негаки, аҳолининг асосий қисми доимо фавқулодда вазиятда яшамоқда», деди у.

El Universal агентлиги хабарига кўра, мамлакатда оммавий иш ташлаш 2 декабрдан буён давом этмоқда.

Музокаралар қайтадан бошланади

70-йилларнинг охирларида Камбоджада Қизил кхмерлар томонидан инсониятга қарши амалга оширилган геноцид (аҳолининг бирор тоифасини қиришга қаратилган сиёсат) ҳаракати етакчиларини суд қилиш учун халқаро трибунал тузиш масаласи бундан салкам бир йил аввал халқаро доирада кўтарилган, бироқ ўшанда бу масала юзасидан олиб борилган Камбоджа — БМТ музокаралари БМТ экспертлари томонидан тўхтатиб қўйилган эди. Сабаб: Камбоджа қонунлари суд жараёнида хорижий прокурор ва судьялар ҳуқуқини маҳаллий прокурор ва судьялар ҳуқуқлари билан тенг асосда кафолатламас эди.

Яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннан Камбоджа вакилларини мазкур масала юзасидан музокаралар бошлашга таклиф этди. Музокаралар бир неча кундан сўнг Пномпенда ўтказилади.

Камбоджа Бош вазири Хун Сен оғир жиноятларга қўл урган Қизил кхмерларнинг етакчилари суд олдида жавоб беришига ва ўта қаттиқ жазога маҳкум этилишларига ишонч билдирди, дея хабар беради Associated Press агентлиги.



Ушбу иншоот ҳам Нью-Йоркдаги осмонўпар бинолардан ҳисобланади. У 102 қаватдан иборат.

Яқинда мазкур Empire State Building биноси томидан улкан муз бўлаги кўчиб, ўттиз учинчи ва ўттиз бешинчи кўчаларнинг йўлакларига тушди. Яхшиямки, ҳеч кимга шикаст етмади. Бироқ полиция 5-катта кўчани икки мавзе наридан ёпишга мажбур бўлди. Чунки транспорт ўтолмасди. Бундан ташқари бинога кириш ва ундан чиқиш ҳам вақтинчалик тўхтатилди. Муз парчалари олиб кетилгачгина ҳаракатга рухсат этилди, дейилади Associated Press агентлиги берган ахборотда.

Иккинчи муддатга ҳам номзодини қўяди

Кипр Президенти Глафкос Клеридис иккинчи муддат учун ҳам номзодини қўйиб, шу йил 16 февраль куни бўладиган президентлик сайловларида қатнашмоқчи. Кипр ҳукумати манбаларига таяниб бу ҳақда Reuters агентлиги хабар берди.

Ҳарбий техникалар жўнатилади

Буюк Британия Мудофаа вазирлиги танклар, артиллериялар ва бошқа ҳарбий техникаларни Форс кўрфазига жўнатиш учун 30 та кемага буюртма берди, дея хабар беради Bloomberg.com.

Январнинг иккинчи ярмидан Буюк Британия ва Германия портларида уларни кемаларга юклаш бошланади.

Ҳарбий техника нега Германия портларидан жўнатилишига ҳайрон қолаётган бўлсангиз керак? Гап шундаки, Буюк Британиянинг асосий танк кучлари, яъни 7- ва 4-танк бригадалари Германияда.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ўтган йил декабрда Мудофаа вазирлиги вакили «агар Ироққа қарши ҳарбий операция бошлашга қарор қилинса, саҳродаги жанговар ҳаракатлар учун махсус мослаштирилган Challenger II танкларидан фойдаланиш мумкин»лиги ҳақида гапирган эди.

Дарвоқе, маълум бўлишича, АҚШ ҳам Жанубий Дакотадаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг «Эллисворт» базасидан чоршанба куни Қатарга учта «В-1» бомбардимончи самолётини жўнатган. Яқин кунларда яна бир неча бомбардимончи самолёт жўнатилиши кутилмоқда.

Маошларини талаб қилиб...

Украинанинг «Львовуголь» компаниясига қарашли учта шахта кончилари ўтган йилги маошларини талаб қилиб иш ташладилар. Кўмир конлари касаба уюшмаларининг ҳудудий ташкилоти хабарига кўра, «Межиричанская», «Взейская» ва «Возрождение» конлари ишчиларидан компания 60 миллион гривен (12 минг доллар) қарзи бор.

Шунингдек, Украинанинг шарқидаги шахтёрлар ҳам кўмир ортишни тўхтатиш ҳақид а огоҳлантирмоқдалар. Улар ҳам 2 ойдан бери маошларини олишолмаяпти. Улар 6 январдан иш ташлашмоқчи эди, бироқ бу акцияни Рождество байрамидан сўнг ўтказишга қарор қилишди.

Бу хабар ИТАР-ТАССдан олинди.

КЎНГИЛ ИШИ

Меҳмонлар орасида қариндошлар ҳам, етти ёт бегоналар ҳам бор. Бу маросимни фитна уйғотувчи тадбир десак, янглишмаймиз. Чунки бунга келганлар фақат еб-ичмайдилар балки уйнинг ҳашами, дастурхон тўкинлиги, келмиш тоғораларнинг сон-саноғи билан қизиқадилар ва муҳокама қиладилар. Бундай муҳокамалар кераксиз гапларга ва кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Биз Тошкент тўйларини баён этдик. Бошқа ерларда ҳам кераксиз одатлар борким, ўзингиз яхши биласиз. Одат ёқимсиз ва заруратсиз эканини билсангиз-да, уни бажаришга мажбур бўласиз? Нима учун? Наҳот «маҳалла-кўй нима дейди?» деган истиҳолани енгиб ўтиш шунчалик қийин бўлса? «Тўй қиламан, деб бели синибди, бечоранинг», деган маломат қайди-ю, «Тўйни ихчамгина, чиройли ўтказди, барака топсин», деган шараф қайда!

Бизларни шодлантирадиган нарса: бугунга келиб «суннат тўйи» («хатна тўйи) деб аталмиш зиёфатлар анча камайди. Бунақа тўйлар бутунлай қилинмаса янада яхши. Чунки мазкур тўй номининг ўзиёқ ножоиз. Айтишларича, қатор мусулмон мамлакатларида туғуруқхонада туғилган ўғил бола шу ернинг ўзидаёқ хатна қилинар экан. У томонларда «суннат тўйи» деган тушунчанинг ўзи йўқ.

Кейинги пайтларда никоҳ тўйларида куёв томоннинг ош бериши ҳам камайиб бормоқда. Афсуски, бели бакувват биродарларимиз бу заруратсиз одатни ҳамон давом эттиришяпти. Мен бир нарсага тушуна олмайман: эркак қудалар фақат тўй ошида бир-бирлари билан кўришадилар. Унгача худди бир-бирларидан уялгандай кўришмоқликдан сақланадилар. Ахир тўйдан олдин учрашсалар, тўй тартибини ўзаро маслаҳат қилиб олсалар ёмонми? Икки томонда ош бермай, биргалашиб бир ерда қилинса бўлади-ку, бу маросим. Бунақа яхши одат кам бўлса-да, учраб турибди ва биз буни қуда бўлмишларнинг донолиги деб ҳисоблаб, уларни шарафлаймиз.

Тўй қилиш жараёнида энг мураккаби хотинларнинг талабларини ва инжиқликларини енгиб ўтиш. Муҳтарам аёлларимиз, ҳақ гапимиздан ранжимасликларини сўраймиз. Мавжуд кераксиз одатларнинг ихтирочилари ҳам, садоқатли ва ўжар ижрочилари ҳам кўпинча аёлларимиз бўлишяпти. Тўй учун топган-тутганларини елга совуриш бўйича айрим аёлларимиз жаҳоннинг мутлақ чемпионлари десак, муболаға бўлмас. Совуриб бўлгач, тўйдан кейин нолишларни бошловчилар ҳам уларнинг ўзи. Кераксиз одатлардан воз кечиш ҳақида гапиравериб тоғларни эритиб юбориш мумкин, аммо бундай аёллар жоҳиллигини енгиш мумкин бўлмаяпти. Масалан: тугун ва тоғоралар муаммоси. Кўп аёллар гўё тугундан воз кечдилар. Бунинг ўрнига эса битта тугун учун сарфланажак маблағ чамаланиб, тўй эгаси аёлнинг қўлига пул қистириш одати расм бўлди. Бойроқ аёлларимиз долларни ошкора равишда узатишга уринадилар: одамлар кўриб қўйишсин-да! Камроқ пул узатувчилар эса ийманадилар. Бу одат тўй эгаси учун ортиқча даҳмаза эшигини очади. Энди у пул берганларга жавоб тариқасида тугун ўрнига қоғоз халталарни шайлаб қўяди. Аввал тугунлардаги нарсаларни ўзаро алмаштириб қўйган бўлса, энди ҳар бирига алоҳида нарса солиши керак. Агар минг кишилик ошда 500 та нон ишлатилса, юз кишилик аёллар маросимига мингта нон олинади.

Келин-куёвни кийинтириш бобида ҳам аёлларга бир сўз айтмоқлик мушкул. Куёв тўра зар чопон кийиб, салла ўрайдилар. Буни тушуниш мумкин: гўё қадриятларимизга қайтаётган эканмиз. Келинпошшани европача кийинтириб, бошларига шляпа кийдириб қўйишлари-чи? Бир ерда келиннинг эгнига атлас кўйлаклозим, беқасам нимча, бошига ироқи дўппи кийгизиб, оқ рўмол ташланса бўлмайдими?

Истиқлолдан аввал, хориждаги ўзбеклар билан борди-келди қийин бўлган маҳалларда эшитган эдим: ватандошлар атлас мато топилмагунча қизларининг тўйларини бошламас эканлар.

Бу йилимизга берилмиш ном маълум: тўйларни батартиб, чиройли ўтказиш ҳам маҳалланинг ободлиги мартабасини белгилайди. Очиғини айтиш керак, бугунги кунимизда тўй қилувчиларнинг ҳаммаси ҳам маҳалланинг фикри билан ҳисоблашмайдилар. Аввал тўй куни маҳалла билан бамаслаҳат белгиланарди. «Сиз айтган куни фалончи ҳам белгилаб қўйган, сиз тўйингизни бошқа кунга кўчиринг», дейиларди ва бу маслаҳатга амал қилинарди. Ҳозир эса битта маҳаллада баъзан бир пайтнинг ўзида тўрт-беш тўй бўлиб ўтяпти. Одамлар қайси тўйга боришга ҳайрон. Биринчи жойда ош еб чиқилгач, иккинчи тўйдаги лаган тўла ошга қўл ҳам урилмайди. Қарабсизки, яна исроф. Тўйга келолмаганлар хижолатда, тўй эгалари эса гина-қудуратда. Илгарилари идиш-товоқ маҳалладан олингани туфайли маҳалла раисининг тўй эгасига сўзи ўтарди. Энди эса гап гаплигича қолиб кетади. Лекин айрим маҳаллаларда ўзгача тартибни ҳам кўряпмизки, бу ҳол кўнгилларни ҳушлайди. Камина истиқомат қиладиган «Илғор» маҳалласини янги оқсоқол Аҳмаджон Зокиров бошқара бошлагач, айрим одатларга барҳам беришга эришилди. Тўйдан аввалги «сабзи тўғраш» маросими деярли йўқ бўлди. Тўйдан кейинги «чарлар» ҳам камайяпти. Дабдабали тўйга қурби етадиган биродарларга «тўйингизнинг дабдабасини сал камайтириб, тежалишдан ҳосил бўлгувчи маблағни фалончи хонадонга берсангиз савоб бўларди. Улар ҳам тўйларини вақтида кўнгилдагидек ўтказишиб олишарди», деган маслаҳатга юрадиганлар ҳам топиляптики, бу яхшиликлари эвазига топилган савоблар туфайли уларнинг тўйлари файзли ўтиб, фарзандлари тотувлик ва бахтга эришяптилар.

Суҳбатимиздан мақсад кимгадир ақл ўргатиш эмас, фикрлашга таклиф этмоқликдир. Қай бир гапимиз маъқул тушиб, бошқаси эътироз уйғотиши ҳам табиий. Кимдир биздан кўра кўпроқ билар ва таклиф айтар... Муддаомиз ҳам шуки, бирга фикрлашиб, яхши удумларимизни тикласак, иллатлардан, хурофот ва бидъатдан халос бўлсак.

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

• ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

ГЕОРГ ВИЛЬГЕЛЬМ ФРИДРИХ ГЕГЕЛЬ – НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. НЕМИС МУМТОЗ ФАЛСАФАСИНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВАКИЛИ. 1770-1831 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Замон ҳам, унинг фалсафаси ҳам ўзларида айнан битта ҳаракатни адо этадилар.

● Фалсафа жавобсиз қолдирадиган саволларга жавоб шундаки, улар бошқачасига қўйилмоқлари лозим.

● Ҳар қандай фалсафа мутлақни англашдир.

● Мен Кант фалсафасининг — ўзим ундан тарбия топганман — тараққиёт учун ва, хусусан, ҳатто, фалсафий фикр тарзида инқилоб учун, хизматларини сира унутмайман.

● Мен фалсафанинг фан даражасигача кўтарилишига кўмаклашиш машаққатини ўз зиммамга олдим.

● Фалсафа тафаккурда англанган, унга замондош даврдир.

● Ҳаётнинг қандайдир бир шакли кексайганида, фалсафа унинг оқарган соч-соқолини сийқа оҳангларда тасвирлай бошлайди, ва бу чоғда уни энди ёшартириб бўлмайди, фақат билиш мумкин: Минерва бойўғлиси ўз парвозини қош қорайиши билангина бошлайди.

● Фалсафий таълимотларга қарши шунчалик кўп гапирадиганлар, **муайян** таълимотни таҳлил этаётиб, бунинг фалсафа эканлиги вазиятини назардан қочирадилар. Эман, бу — дарахт эканлиги каби, вазият ҳал қилувчидир.

● Ҳозирги замонда, афтидан, фалсафага нисбатан хурофот ҳукмронлик қилмоқда, — ҳар кимда гарчи кўз ва қўллар бўлса-да, агар унга тери ва асбоблар берилса, бу у ўзига этик тика олади, дегани эмас, — шунга қарамай, ҳар ким фалсафага оид мулоҳаза билдира ва фалсафа ҳақида фикр юрита олади, чунки, бунинг, ўзининг туғма ақли кўринишидаги, ўлчовига эга, гўёки, этик учун, ўзининг оёғи кўринишидаги, худди шундай ўлчовга эга эмас.

● Агар бошқа фанларда макон, рақам ва ҳоказолар тафаккур буюми бўлсалар, фалсафа тафаккурнинг ўзини тафаккур буюмига айлантирмоғи лозим.

● Ҳақиқат мавжуд бўла оладиган чинакам шакл фақат унинг илмий тизими бўлиши мумкин. Фалсафа фан шаклини қабул қилиши, билимга муҳаббат номини тарк этиши ва ҳақиқий билимга айланиши устида ишлашни мен ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

● Мантиқ соҳасида мен ёки аниқроғи, мазкур соҳа ўз ичидан эргашган услуб жузъийликларда янада салмоқли такомиллаштиришларга, кўплаб тузатишларга йўл қўймайди, деб ҳисобламайман, аммо, айни пайтда, биламанки, у бирдан-бир ҳаққонийдир.

● Магнитдаги шимолий қутб жанубийсиз ва жанубий шимолийсиз бўлиши мумкин эмас. Агар магнитни икки қисмга кессак, бир бўлагида Шимолий, бошқасида эса – Жанубий қутбга эга бўлмаймиз ... **Умуман, қарама–қаршиликда тафовут, ўзига зид томон сифатида, қандайдир бошқагагина эмас**, балки, *ўзининг бошқасига* **эга бўлади.**

● Идроксиз ақл, бу — ҳеч нима, идрок эса, ақлсиз бўлса ҳам — нимадир.

● Ўз фаоллиги туфайли адашиб қолишдан қўрқиш — қулайлик ва адашишнинг, мутлақ фаолликдан келиб чиқадиган йўлдоши.

● Бизнинг замонамизда биз тинмай эслатишимиз лозимки, одам ҳайвондан айни фикр қилиши билан фарқ қилади.

● Ўрганмоқ — бошқалар ўйлаганларининг тўғрилигини тушуниш демак. Бироқ, агар нарсаларнинг азалий сохталигидан келиб чиқилса, уларни ўрганиш мумкин эмас.

● Тентаклар хатолардан сабоқ оладилар, эсли одамлар бўлса, ўз хатоларига қарамай, ақллироқ бўлиб қолмайдилар.

● Дин, бу ҳам – билим, фақат ўзига хос шаклдаги.

● Ҳаракат одамнинг энг аниқ ва ифодали намоён бўлишидир. Одам нима қилса, у шундайиндир.

● Одамларга билиш ва тафаккур зарурати одатга айланадиган ҳолатга кўтарилиш, умуман, қийин.

● Ким мавҳум фикр қилади? — Оми одам, бироқ, ўқимишли эмас. «Мавҳум фикр қилиш», бу — қотилда фақат битта мавҳумийликни, унинг қотиллигини кўриш, бундай сифатни бериш билан ундаги, инсон зотини ташкил этувчи, бошқа ҳаммасини йўқ қилиш.

● Ким ўз турмушини ўз феъл-атворининг хусусиятларига мос ташкил қилган бўлса, ўша бахтлидир.

● Чинакам ҳамдардлик азобланувчининг ахлоқий беғуборлигига қайғудош бўлишдир.

● Сўз ва ишдаги ҳаққонийлик бошқаларга нисбатан ҳамма бурчлардан энг биринчисидир.

● Ким дунёга ақл билан қараса, дунё ҳам унга ақл билан қарайди.

● Инсон шунчалик кўп томонли нарсаки, ундан ҳамма нарсани ясаса бўлади...

● Ўз фаолиятинг билан эришишинг мумкин бўлган нарсанигина, ўз манфаатинг қилиб, ақлли тарзда қўйишинг мумкин.

● Ахлоқ, бу — ироданинг ақли.

● Ахлоққа татбиқан қадимги давр доноларининг фақат қуйидаги сўзлари бирдан-бир ҳаққонийдир: ахлоқли бўлиш — ўз мамлакатинг расм-русумларига мувофиқ яшашни билдиради.

● Виждон давлатда, қонунлардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқсиздир; ахир, агар одам ўз виждонига даъват қилса, бировда бир хил виждон бўлса, бошқасида эса — ўзгача виждон бўлиши мумкин. Виждон ҳақ бўлиши учун, у ҳақ, деб биладиган нарсанинг аслида шундай бўлишлиги зарурдир.

● Ахлоқ гўзаллик шаклида юзага чиқмоғи лозим.

(Давоми келгуси сонда.)

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.**



Болалари соғлом юртнинг келажаги порлоқ бўлади

Жиззах шаҳрида замонавий Олимпия заҳиралари коллежи, кураш саройи, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари, маҳоратларини ошириб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилаяпти.

Суратларда: *А.С.Пушкин номли 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Конупаева Катя стол тенниси бўйича Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари – 2002» мусобақаси ғолибаси; Абу Райҳон Беруний номли гимназия ўқувчиси Фотима Ҳайитова билан Жамила Очиловалар шоҳмотни жону дилдан яхши кўришади.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

● ИНТЕР-СПОРТ

Жароҳати панд берди

Таниқли теннисчи Марат Сафин Сиднейда ўтказилаётган халқаро турнирдаги иштирокини давом эттира олмайдиган кўринади. Мусобақани муваффақиятли бошлаб, чорак финалга чиққан Марат жуфтлик баҳсида кутилмаганда елкасидан жароҳат олди. У навбатдаги учрашувни кореялик Лин Хунг Тайк билан ўтказиши лозим эди. Бироқ, Марат жароҳат туфайли бунга журъат этмади. Унинг гапи бўйича ўзини Австралия очиқ чемпионлигида иштирок этишга сақлаши керак экан.

Эркаклар жамоасида — аёл

Бугун шайбали хоккей бўйича Финляндия чемпионатида ўтказиладиган навбатдаги учрашувда мамлакат терма жамоаси таркибида эркаклар қатори аёл хоккейчининг майдонга тушиши кутилмоқда. Бу ҳол хоккей тарихида илк бор кузатилмоқда.

Бу аёл канадалик Хэйли Уинкенхайзер бўлиб, унинг чиқишлари бултур ўтказилган қишки олимпиада чоғида Фин хоккейчилари устози Матти Хагман эътиборини тортган эди. Шундай қилиб, у хоккейчи йигитлар билан машқларда иштирок этиб юрди. Маттининг таъкидлашича: «Хэйли кўпгина йигитлардан қолишмайдиган жиҳатларини намоён этмоқда. Дарвозани аниқ нишонга олиш, шайба оширишда чаққон», экан.

Уч ўйиндан сўнг 24 ёшли бу аёлни жамоага қабул қилиш юзасидан шартнома тузилади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 11,13,14 февраль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, «Разведчик» қўрғонида жойлашган Олмалиқ геология қидирув экспедицияси АЖнинг умумий майдони 64 м² бўлган техник таъминот биноси.

Бошланғич баҳоси – 497 000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдолари бўйича савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.*

Маълумот учун телефонлар:
136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

● ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«Имом ал-Бухорий сабоқлари»

Журнал саҳифаларини варақлар эканмиз, унда мавзу хилма-хиллиги, фикрлар тийранлигига дуч келамиз. Илк саҳифа бош муҳаррир Зоҳидулло Мунавваровнинг «Ҳаётимизнинг тамал тоши» деб номланган мақоласи билан очилади. Ушбу тадқиқот Конституциямизнинг 10 йиллик тўйига бағишланган. Мақолада асосан Конституция ва диний эркинлик мавзуси ёритилади. Асосий қомусимизда бурч ва ҳуқуқларимиз белгилаб қўйилганлиги кўрсатилади. Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти Аширбек Мўминовнинг «Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаларига бағишланган халқаро анжуман» (Италия, Болония, 2002 йил, 26-28 сентябрь) ҳақидаги мақоласи ҳам ўқувчиларни қизиқтириши табиий. Ушбу йиғинда иштирок этган ўзбек олимлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Шунингдек, Шайх Абдулазиз Мансурнинг «Рўзага доир оятлар тафсиридан», профессор Маҳмуд Жўшоннинг «Рамазоннинг фазилатлари», Муроджон Қурбон ўғлининг «Ҳожилик масъулияти», Раҳматулло қори Обидовнинг «Имом ан-Нававий ва унинг «Риёз ас-Солиҳин» китоби» ҳақидаги мақолалари ислом динининг илмий тадқиқига бағишланади.

«Замонамиз уламолари» рукни остида Алихонтўра Соғуний ҳақида хотиралар эълон қилинган. Унинг ижодидан намуналар келтирилади. Шунингдек, Мукаррам Муҳитдинованинг «Улуғбек расадхонаси – дунёдаги биринчи ҳисоблаш маркази», профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг «Ахсикадлик донишманд» номли мақолалари жой олган. Изланишларнинг ҳар бири ўзига хос янгилик яратганлиги ва кузатишлар илмий аҳамиятга эга эканлиги билан эътиборга сазовор.

Журналда ёш олим ва тадқиқотчилар илмий изланишларига алоҳида эътибор қаратилган. «Имом ал-Бухорий сабоқлари» маънавий-маърифий, илмий-адабий журналининг 2002 йилдаги сўнгги сони муштарийларини бефарқ қолдирмайди.

Юнус ЗИЁДОВ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 14,21,28 февраль ва 7 март кунлари кимошди савдоларини ўтказади

Савдоларда:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, қуйидаги ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-8 мавзеси, 28-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-8 мавзеси, 42-,45- ва 46-уйлар олдида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида жойлашган сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-1 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-3 мавзеси, 49-уй, сатҳи 0,18 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 428 400 сўм.

Спутник-3 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,18 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 428 400 сўм.

Спутник-3 мавзеси, 60-уй, сатҳи 0,18 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 428 400 сўм.

Спутник-2 мавзеси, 51-уй, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-2 мавзеси, 52-уй, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Спутник-8 мавзеси, 59- ва 60-уйлар орасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер майдони.
Бошланғич нархи – 714 000 сўм.

Кимошди савдосига қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.
Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16 А.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 103-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	74	59	87	45	Сумма:	10 Тур	Сумма: 900	Сони: 571
34	42	83	Сони: 1	41	10000	62	15 Тур	Сумма: 400
2	61	49	Сумма:	3	6 Тур	Сони: 14	32	20 Тур
63	29	36	500000	9	52	Сумма: 2000	Сони: 95	88
12	14	75	Чипта	46	Сони: 3	11 Тур	Сумма: 800	Сони: 1104
16	58	47	рақами	30	Сумма: 5000	55	16 Тур	Сумма: 300
77	25	7	60025323.3	19	7 Тур	Сони: 14	38	Қўшимча
26	80	70	4 Тур	44	22	Сумма: 1500	Сони: 158	тур
67	5	20	40	86	Сони: 4	12 Тур	Сумма: 700	Сони: 40
71	24	64	72	69	Сумма: 4000	10	17 Тур	Сумма: 300
33	4	1	81	15	8 Тур	Сони: 27	8	Халтадан
Сони: 1	48	56	39	Сони: 2	21	Сумма: 1200	Сони: 249	чиқмаган
Сумма:	23	53	66	Сумма: 1000000	Сони: 4	13 Тур	Сумма: 600	шарлар:
150000	Сони: 1	57	89	Чипта рақами	Сумма: 3000	31	18 Тур	6,
Чипта рақами	Сумма: 250000	28	84	30009762.3	9 Тур	Сони: 51	13	50,
40013497.2	Чипта рақами	76	18	30012231.2	43	Сумма: 1000	Сони: 353	68,
2 Тур	80002100.1	78	37	5 Тур	Сони: 10	14 Тур	Сумма: 500	79,
27	3 Тур	35	54	85	Сумма: 2500	17	19 Тур	82,
51	60	11	65	Сони: 4		Сони: 78	73	90

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 23 январдаги 105 янги йил тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda – 25-16-16
Buxoroda – 222-10-92
Gulistonda – 25-03-80
Jizzaxda – 5-49-85
Navoiyda – 3-39-20
Namanganda – 6-43-43
Nukusda – 222-70-12
Samarqandda – 35-20-54
Toshkentda – 133-44-55
Urganchda – 226-51-35
Farg'onada – 26-43-62
Termizda – 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 066

15155 nusxada bosildi

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi – 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA